

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 217 (11.778)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Курбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси эканини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам – Курбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида" - ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармониغا мувофиқ:

1. 2010 йилда Курбон ҳайитининг биринчи кунини 16 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2010 йил 16 ноябрь дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Курбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 9 ноябрь

ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олинган юксак мақсадларга эришиш учун иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилаётгани ўз самараларини бермоқда.

Суд-ҳуқуқ тизими чуқур ислоҳ қилиниб, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг миқёсда ишлар амалга оширилди. Адвокатура институти, суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, бутун суд-ҳуқуқ тизимини боқимчи-боқимчи демократлаштиришга қаратилган бошқа бир қатор чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилди. Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, қаноққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисидаги қонунлар бутун дунёда улкан қизиқиш ва эътибор уйғотди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги Юристар малакасини ошириш маркази томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги

лойиҳалар координатори билан ҳамкорликда ўтказилган одил судловни амалга оширишда халқаро стандартларни амалиётга татбиқ этиш масалаларига бағишланган халқаро семинарда шу ҳақда гап борди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари А.Аҳмедов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, юристар малакасини ошириш маркази директори А.Ғафуров ва бошқалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Суд тизимининг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашдаги ўрни ва роли кучайтирилгани одил судлов самардорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Суд ҳокимиятининг тобора такомиллашган бўлиши, судьялар мактабини мустахкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тавсия этишнинг ҳуқуқий механизми яратилгани, шунингдек, судьяларнинг касб малакасини ошириб боришга эътибор қаратилаётгани фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашда одиллик тамойили таъминлашида муҳим аҳамият касб этаётди.

Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларни мунтазам кузатиб бораман, – дейди ЎЗА муҳбирига И.Вейнманна номлидаги қиёсий ҳуқуқ маркази директори, Тюлений университети профессори Кристофер Осакве (АҚШ). – Инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон янги бошқича, янги марраларни эгаллаётгани эъти-

борга лойиқ. Суд-ҳуқуқ соҳаси ва миллий қонунчилик халқаро стандартларга мувофиқ изчил такомиллаштирилаётгани, юристар малакасини оширишнинг махсус механизми яратилгани ўзининг юксак самараларини бераётди. Айниқса, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилингани катта қадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий суд, Олий суд судьялари, вазирликлар ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, илмий жамоатчилик, нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда одил судловни амалга ошириш борасидаги Ўзбекистон қонунчилиги халқаро стандартларни имплементация қилиш масалаларига эътибор қаратилиб, одил судловни амалга оширишда хотин-қизлар ҳуқуқлари муҳофазаси, хорижий давлатлардаги фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги икки томонлама келишувлар асосида ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар муҳофиза қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг икки кунлик мажлиси давомида ўн иккита масала, жумладан тўққизта қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Депутатлар ўз ишларини «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15 ҳамда 18-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан бошлаб, уни узиб-кесил тахрирда

қабул қилдилар ва у Сенатда кўриб чиқиш учун юборилди.

Ҳужжатнинг муҳофизаси чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари, барча фуқароларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатда сугурта фаолиятини янада ривожлантириш муҳимлигини таъкидлашди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар

НУФУЗИ ТОБОРА ОШМОҚДА

ўрнини босувчи тиббиёт ускуналари, дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилишини янада кенгайтириш мақсадида уюштирилаётган бундай тадбирлар, албатта ўз самарасини беради.

Кўргазмада айниқса табиий косметика маҳсулотлари, лаборатория ва ташхис ускуналари, янги дори-дармон воситаларига катта қизиқиш бўлаётганини кузатиш мумкин. «Зангиота зам-зам», «Zabar Trade» масъулияти чекланган жамиятлари,

«Aktash», «Радикс», «Жўрабек лабораторикс», «Лакхисан», «Флавит» каби республикамиз корхоналари маҳсулотлари кўпчилигининг эътиборини тортмоқда.

Уч кун давомида кўргазма доирасида соҳа мутахассислари учун семинарлар, ишлаб чиқарувчиларнинг янги маҳсулотлари тақдимоти ўтказилиши кўзда тутилган.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги транспорт ва қурилиш коллежида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати» мавзусида семинар ташкил этилди.

● Термиз шаҳрида «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамияти, унинг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган амалий ўқув-семинар бўлиб ўтди.

● Жиззах-Мирзачўл автомобиль йўли бўйидаги Учтепа қишлоғи бир йил ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Вилоят бўйича ҳозиргача намунавий лойиҳа асосида 12 янги даҳа барпо этилиб, 139 уй-жой қурилиши якунланди. Айни пайтгача 60 намунавий уй ўз эгаларига топширилди.

● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Навбахор туманида «Улкан қурилиш бизнес» фирмаси томонидан тўртта сув йиғиш ва тарқатиш ҳавзаси, иккита сув минораси қурилиши якунланмоқда.

● Ширин шаҳрида ҳарбий хизматчилар учун қуриб битказилган замонавий уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

ЖАҲОНДА

● Нефть нархи бўйича кейинги икки йил ичида қузатилмаган энг юқори қиймат қайд этилди. Хусусан, жаҳондаги етакчи биржаларда ўтказилган сўнги савдолар чоғида ушбу маҳсулотнинг бир баррели баҳоси 87 АҚШ доллариغا етган.

● Жанубий Корея аҳолисининг қарийб 93 фоизи уяли алоқадан фойдаланади. Ушбу давлатни бемалол телефонлар мамлақати дейиш мумкин. Сўнги маълумотларга қараганда, бугунги кунда битта корейс оиласига 2,75 дона «сотка» тўғри келмоқда.

● Германиянинг Горбелен шаҳрида радиоактив чиқиндиларни ташишга қарши норозилик тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Ҳозир мамлакатда 17 та атом электр станцияси ишлаб турибди. Улардан ажралиб чиқаётган радиоактив чиқиндилар эса Франциянинг Кап-де-ла-Аг шаҳрида ёқилғига айлантирилмоқда ва сақлаш учун қайтиб ташилмоқда.

● Бундан роппа-роса ўн йил аввал Бразилиядаги конларнинг биридан қимматбаҳо зумрад тошлари ёпишиб қолган харсангтош топилган эди. Ушундан буён ушбу тошнинг эгаси номаълум. Нақд 380 килограмм келадиган қимматбаҳо тош шу кунгача ажаб савдоларни бошидан кечирган.

● Голливуднинг банкротликка учраган машҳур «Metro Goldwyn Mayer» (MGM) киностудияси ўзини иқтисодий жиҳатдан вақтинча идора қилиб туришга ва бу жараёнда фаолиятини қайта ташкил этишга ижозат беришини сўраб, судга мурожаат қилди. Сабаби айни пайтда унинг умумий қарзи 5,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидин.

✓ **БУГУН** Мирзо Улугбек туманидаги «Нодирабегим» маҳалласида Тошкент давлат юридик институти ва Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамкорлигида «Бош Қомусимиз – ҳуқуқ ва манфаатларимиз кафолати» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Савдо-саноат палатаси ҳамда «Камолот» ЁИХ ҳамкорликларида ёш тадбиркорлар ўртасида эълон қилинган «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» кўрик-танловининг қоғозлари тақдирланди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** радио ва телевидение касб-хунар коллежида Саломатлик ва тиббий статистика институти филиали ташаббуси билан тиббий кўрикнинг аҳамиятига бағишланган мутахассислар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

ДЕПУТАТЛАР ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Депутатлар шуни алоҳида қайд этдиларки, ушбу ҳужжатни қабул қилиш зарурати Ўзбекистон суғурта бозорига амалга оширилаётган ислохотлар билан боғлиқдир. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда суғурта фаолиятини тартибга солишининг янада тушунарли ва аниқ ҳуқуқий механизмларини яратишга, қонун нормаларидаги мажбур ҳуқуқий қарама-қаршилиқлар ва номувофиқликларга барҳам бериш имконини яратади, бу эса қонун ҳужжатлари нормаларини бир хилда қўллашни ҳамда суғурта фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг қонуний манфаатлари тўлақонли рўйбга чиқишини таъминлайди.

«Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси темир йўлларда ташиш соҳасини республика ичкариликка юклари ташиш хизматлари тарифларининг чекланган даражаларини белгилаш орқали давлат томонидан тартибга солишга йўналтирилган. Ушбу Қонун ҳам қабул қилинди ва Олий Мажлис Сенатига юборилди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, қонун ҳужжатларини бирхиллаштириш ва ҳўжалик субъектларини тек-

шириш жараёнида янада мақбул шароитлар яратиш мақсадини кўзлайди. Қонун лойиҳасида «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг алоҳида моддаларига тузатиш киритиш таклиф этилди. Муҳокама чоғида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси вакиллари таъкидлаб ўтдиларки, киритилаётган тузатишлар ҳўжалик юритувчи субъектларда текширувлар ўтказиш бошланган ва тугаган вақтнинг аниқ белгилаш ҳамда ҳўжат билан тасдиқлаш имконини беради, бу ҳол мамлакатимизда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш учун янада мақбул шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Баён этилган барча фикр-мулоҳазаларни эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси мазкур қонун лойиҳасининг концепциясини тасдиқлади ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул кўмитага иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун ҳўжатни маромига етказиш вазифасини топширди.

Шундан сўнг депутатлар Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси бўлган бир гуруҳ депутатлар ишлаб чиққан «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Уни ҳар томонла-

ма муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари таъкидладиларки, киритилаётган ўзгартиришларнинг мақсади кодекс моддалари, нормаларини уйғунлаштириш, нормаларни аниқлаштириш, солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасида юзага келадиган низоли вазиятларга барҳам беришдан иборат.

Ҳўжатни янада такомиллаштиришга қаратилган фикрлар ҳисобга олинган ҳолда, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди ва маромига етказиш учун масъул кўмитага топширилди.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процессуал кодексининг 103-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси коммунал хизматлар бўйича қарзларни ундиришнинг аниқ ҳуқуқий механизминини яратиш мақсадида қабул қилинди. Муҳокама иштирокчилари, хусусан «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари фикрига кўра, киритилаётган тузатишлар судларнинг ишини соддалаштириш ва айни чоғда аҳолини электр энергияси, иссиқлик, газ ва сув билан таъминловчи ташкилотларнинг ишини енгилаштиради.

Депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул кўмитага ҳўжатни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказиш вазифасини топширди.

Мажлисда кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси матбуот хизмати



Тадбиркорларимиз бозор ва харидор талабини ўрганган ҳолда рақобатбардош маҳсулотларни кўпайтиришга интилоқда. Интилганга эса ҳаммиша омад ёр бўлади.

Хусусий бизнес

ХАРИДОРГИРЛИГИ ОРТМОҚДА

«Kland Kon Snard» хусусий корхонасида турли хил чарм ҳамда трикотаж маҳсулотлари тайёрланади. Бозорни тинмай ўрганиш, янги-янги модаллар яратиш, сифатга эътибор қаратилиши натижасида корхона маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда.

Мажбур замонавий дастгоҳлар қаторига терини қайта ишлашга мўлжалланган янги ускуна ўрнатилганлиги маҳсулот турларини кўпайтиришда, хом ашё сифатини янада яхшилашда муҳим роль ўйнамоқда.

Қўшимча иш ўринлари ҳам кўпаймоқда. Ҳозирда 20 нафардан зиёд ишчи-хизматчиларнинг самарали меҳнати билан 60 хилдан кўп маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Табиий чармдан тикилаётган эркалар, аёллар ва болалар устки кийимлари, маҳаллий хом ашёдан тайёр-

ланаётган трикотаж маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда.

Бозорни ўрганиш асосида жорий йил бошида бир неча янги маҳсулот турлари яратилди. Бу аёллар учун драп пальто ва дублёнка бўлиб, ўзига хос дизайни ва тикилиши билан хорижнинг шундай товарлари билан бемалол рақобатлашади.

«Чорсу» ва «Чилонзор» буюм бозорларида корхонанинг фирма дўконлари очилгани ҳам эътиборга лойиқ.

Айни пайтда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш режалаштирилмоқда, қўшимча замонавий жиҳозлар келтирилиши арафасида. Шу асосда ёшлар учун ҳам иш ўринлари яратилади.

Шарифа ИЛЁСОВА
Ҳақимжон Солихов
олган сурат.

илгор тажрибани жорий этиш орқали техник эҳтиёжлар учун ишлатилаётган қоғоз сарфи босқичма-босқич камайитилмоқда. Бугун Агентлик тизимидagi наشريётлар, наشريёт-матбаа ижодий уйлари, 14 худудий бошқарма компьютерлари ягона корпоратив тармоққа (VPN) бириктирилган. Илгари битта ҳўжат вилоятга почта орқали уч-тўрт кунда етиб борган бўлса, бугун ягона корпоратив тармоқ орқали бу иш санокли дақиқаларда амалга оширилмоқда.

Бир йил муқаддам агентликда «Гермес» электрон ҳўжат айланиш тизими жорий этилди. Бугун «Гермес» электрон ҳўжат айланиш тизимида ҳар бир ходимга тегишли электрон бўлим мавжуд. Унда ҳўжатнинг электрон варианты, ходимга берилган топшириқ, ҳўжатнинг ижро муддати, ижро этилганлиги ва назоратдан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ўз ифодасини топган. Агар ходим ўз жойида бўлмаса, унга янги топшириқ берилгани компьютер ёқилганда махсус сигнал орқали, шунингдек, ходимнинг мобиль телефонида «SMS» хизмати орқали маълум қилинади.

Бу келадиган ва жўнатиладиган ҳўжатларни рўйхатга олиш, топшириқлар бажарилиши ва ижро интизомини назорат қилишни ташкил этади, ҳар бир топшириқни бажариш вақти ва жараёнини, ходимларнинг иш билан бандлик даражасини назорат қилиш имконини беради. Бундан ташқари, тадбирлар ва ҳўжатлар устида биргаликда ишлашда агентлик ходимлари электрон почта ҳамда тезкор маълумотлар корпоратив дастуридан ҳам унумли фойдаланмоқда.

Бундай тадбирлар самарасида Агентликда қоғоз харажатлари тенг ярмига қисқарди, ҳўжатдан нусха кўпайтириш ва уни ижрочи ходимга тарқатиш ишлари барҳам топди, ҳўжатларнинг автоматик архивлаши бориши ва тизимли мониторинг қилиниши таъминланди.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ахборотлаштиришнинг миллий тизими ва қулай ахборот маконини шакллантириш, замонавий, ишончли ва хавфсиз миллий маълумотлар ахборот базасини яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг амалий натижасидир.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎЗА муҳбири

Иқтисодиёт

ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

«Leyla Osiyo Dizayn»

масъулияти чекланган жамияти мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, ички ва ташқи бозорни ўрганиш асосида харидор талаб ва эҳтиёжи қондириб келинмоқда.

Корхонада доимий равишда янги лойиҳалар устида изланишлар олиб борилади. 35 нафар ишчи-хизматчи замонавий технологияларга мослаштирилган ускуналардан самарали фойдаланмоқда.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экологик мувофиқлик сертификатига эга. Шўримиздаги кўплаб олий ўқув юртлари, кабуна колледжлари, академик лицейлар, яна буюртмачиларга мебель анжомлари, шунингдек кенг қўламли қишлоқларда барпо этилаётган замонавий уй-йўллар учун 40 турдаги эшиклар тайёрланади.

МЎЛЖАЛ — ХАЛҚАРО БОЗОР

Кичик бизнесни

ривожлантириш борасида яратилаётган қулай шароитлар ўз самарасини бермоқда. Бугун кунда ўзимизда замонавий технологиялар асосида импорт ўрнини босадиган ва экспортбо маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани бунга ёрқин мисолдир.

Яқинда иш бошлаган янги «Neo san Light» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонасида импорт ўрнини босувчи ва энергияни тежайдиган иччам люминисцент лампалар ишлаб чиқарилади. Ҳозирда бу ерда 200 иш ўрни яратилган бўлиб, хориждан 2 миллион АҚШ долларлик ускуна харид қилинган. Юқори экологиклиги ишлаб чиқариш жараёнида боца участкалар тест-назоратдан ўтказиб борлади.

Эътиборли томони, тайёр маҳсулот учун сосий бутловчи қисмлар ва материалларнинг 60 фоиздан кўпи шу ернинг ўзида тайёрланади, шунингдек ички кооперация асосида мааллий корхоналардан олинади.

Жорий йил охиригача энергия тежайдиган 11, 15, 20 ва 25 ватт қувватига эга люминисцент лампалардан 2 миллион дона ишлаб чиқарилади. Улардан узоқ вақт узлуксиз — жакиз минг соат, яъни тўрт йил фойдаланиш умкинлиги бундай лампалар ўзига хос афза томонлари борлигидан далолат беради. Таъсирлайдиган бўлса, оддий лампочкаларнинг исизмат муддатидан саккиз марта кўп бўлиб, ээктр қуввати 4-5 баравар кам сарфланади.

Қўшма корхонани ривожлантириш лойиҳасининг иккинчи босқичи ниҳоясига етгач, ишлаб чиқариш ҳажми 4 миллион донага етзилади, сарфланган маблағнинг умумий мқдори 3,4 миллион долларни ташкил этади. Истикболда халқаро бозорга чиқиш мўлжалланмоқда.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҲАМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Доимий изланиш, малакали ишчи-хизматчилар, шунингдек замонавий дастгоҳ ва ускунаар корхоналар самарали фаолият юритишида муҳим омил ҳисобланади.

«Magnum medical-servis» масъулияти чекланган жамиятида тиббиёт мебеллари, ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқарилади.

Жорий йилдан бошлаб тайёрланган тиббиёт мебелларини ўрнатиш хизмати ҳам ўлга қўйилди. Ускуналар таъмирланиб, диагностика қилинади ва техник кўриқдан ҳам ўзатилади.

Бугунги кунда «MMS» савдо белгиси илан тайёрланаётган маҳсулотлардан шифоҳа ва санаторий-профилакторийларда, уй шазитида ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳаво тозловчи кварц лампалари, илинадиган, қўйилдин ва ҳаракатланувчи турли ускуналарга тала катта бўлмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароити талабидан келиб чиққан ҳолда корхонада имкониярдан оқилона фойдаланилмоқда. Сифати ва нисбатан арзон, импорт ўрнини босувчи маҳсулот турларини ишлаб чиқариш борасида талай ютуқларига эришилди. Корхона хўқаро кўргазмаларда, тендерларда, коопераци биржаларида фаол қатнашиб, янги ҳамкорўзаро манфаатли шериклар орттириб, буюрталарни кенгайтиришга эришмоқда.

Муқаддас УМАРҚОВА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида замонавий ахборот технологияларини ҳаётга кенг жорий этиш, унинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда қоғоз маҳсулотларини тежашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 июлда қабул қилинган «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида мазкур йўналишда кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Юртимизда қоғоз сарфи сезиларли равишда қисқариб, маълумотларнинг замонавий ахборот технологиялари асосидаги электрон тармоқлар орқали айланиш тизими изчил жорий этилмоқда.

Аммо бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, хусусан, ёзув ва нусха кўпайтириш учун ишлатиладиган қоғозни сарфлашда қатъий тартиб ўрнатиш давр тақозосидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 июлда қабул қилинган «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қоғознинг барча турларидан янада оқилона фойдаланишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳўжатда қоғозни харид қилиш, тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш режимини кучайтириш, ахборот технологияларини самарали жорий этиш, қоғозбозлик ва расмиятчиликни бартараф қилиш ҳисобига ҳар йили қоғоз сарфини 10 фоиздан қисқартириш белгиланган. Бу борада наشريёт-матбаа корхоналари ва оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам изчил ишлар амалга оширилаётган.

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада кучайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидандир.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан олинган маълумотларга кўра, юртимизда наشريёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси тобора кенгаймоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ахборотни тезкорлик билан етказиш наشرлар учун асосий талабга, ўз ўрни ва аудиториясини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омилга айланмоқда.

– Наشريётларимиз, оммавий ахборот воситалари тахририятлари ва

матбаа корхоналарида газета ва офсет қоғозидан оқилона фойдаланиш, замонавий ахборот ва матбаа технологияларини жорий этиш ишлари тизимли равишда амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари Рўзимат Сафоев. – Агентлигимиз ҳузурида наشريётларнинг мавзу режаларини кўриб чиқиш ва таҳлил этиш бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг доимий фаолият

ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида мамлакатимиздаги наشريёт-матбаа корхоналарини 2010-2013 йилларда модернизация қилишга оид махсус дастур ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди.

Мазкур дастур асосида «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйига Япониянинг «PlateRite-8600 SL» русумли матбаа ускунаси ўрнатилди. Натижада, наشر жараёнида босма маҳсулотнинг фотоплёнка нус-

Қарор ва ижро

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ТЕЖАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

кўрсатувчи ишчи гуруҳи ташкил этилган. Гуруҳ наشريётлар фаолиятини мунтазам мониторинг қилиб бориб, наشر этилаётган босма маҳсулотлар сифатини ошириш, китоб бозорига соғлом муҳитни таъминлаш билан боғлиқ муҳим вазифаларни бажаради.

Яқинда ушбу ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидagi корхоналар, «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларидаги босма оммавий ахборот воситалари ва босмаҳоналар, Республика китоб савдоси ташкилотларида қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш ҳолати ўрганиб чиқилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, наشريёт-матбаа корхоналарини модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан янгиллаш қоғоз сарфини камайитириб, босма маҳсулотлар сифатини юксалтиришнинг ҳал қилувчи омилдир.

Тахририятларда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланмаслик, айниқса, туман газеталари тахририятларининг компьютер техникаси билан тўла таъминланмаганлиги қоғоз сарфини ошириб, газеталар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ёш журналистлар учун «Ўзбекистоннинг маданий мероси ва туристик салоҳияти ёритилиши» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

САЙЁҲЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тадбирда мамлакатимизда ОАВларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратиш бугуннинг муҳим масаласи эканлиги, хусусан, тахририятларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника воситалари, ахборот-коммуникация жиҳозлари, рақамли технологиялар билан таъминлаш, ёш журналист кадрларни тайёрлаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, сайёҳлик фирмалари мутахассислари томонидан мамлакатимизда туризм соҳаси ривожланиши истиқболлари, бу борада эришилган ютуқлар хусусида маълумот бериб ўтилди.

Туризм жаҳон иқтисодиётида юқори даромадли ва жадал ривожланиб борувчи соҳа бўлиб, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўринга эга. Тадбирда юртимизда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, янги сайёҳлик йўналишлари шаклланиши, замонавий меҳмонхоналар қад ростлаб, кўҳна тарихий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжолар қайта тиклангани, янги йўллар барпо этилаётгани борасида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Уч кун давом этган семинарда, деб хабар беради, «Туркистон-пресс», туризм соҳасидаги ҳамкорлик муносабатлари, бу борадаги имкониятларни кенгайтиришга хизмат қиладиган қатор омиллар, мамлакатимизнинг улкан салоҳияти, сайёҳликни янада ривожлантириш, ёш журналистлар олдига турган вазифалар муҳокама қилинди.

Қиммат АЗИМОВА

Республика Маънавият-тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тилшунос ва адабиётшунос олимлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар маънавиятини ошириш, уларни болаликдан китоб ўқишга қизиқтириш муҳимлиги таъкидланди. Бу борада ўғил-қизларни мафкуравий хатарлардан асраш, маънавий бўшлиқнинг олдини олишда юксак маҳорат билан яратилган, миллийлик ва эзгу инсоний ғояларни ўзида жамлаган асарлар муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Янги илмий-оммабоп адабиётлар маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари учун услубий қўлланма бўлиши баробарида, ёш авлоднинг дунёқараши шакллантиришда, аъёна ва урф-одатларимизга садоқат руҳида камол



Ота-боболаримизнинг «Хунарли хор бўлмас», «Хунар — хунардан унар» деб айтган доно ҳикматлари замирида олам-олам маъно бор. Истиқлол шарофати туфайли келажакимиз ворисларига миллий қадриятларимизни, аждодларимиздан мерос бўлиб келатган хунармандчилик сир-асрорлари ёшларимизга ўргатилаётди.

МЕРОСИМИЗ НАМУНАЛАРИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Маънавият» нашриёти томонидан чоп этилган «Баркамол авлод — келажакимиз таянчи», «Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида», «Ўзбек шеърини», «Тил ва эл» китоблари тақдимоти бўлиб ўтди.

топишида салмоқли ўрин тутди.

— Бой маърифий меросимизни чуқур ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил қилиш ва кенг оммага етказиш ёшларимизнинг ҳам зиммасидаги масъулиятдир, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази мутахассиси Азизбек Аманов. — Жумладан, «Тил ва эл» китобида она тилимизнинг жамиятдаги мавқеини юксалти-

ришга хизмат қиладиган воситалар борасида тўхталиб, ўзбек тили шаклланиши ва ривожланиш тарихи ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. «Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида» китобида эса адабиётшунос олимлар ўзбек поэзияси ва адабиёти хусусида пурмаъно фикрлар юритади. Янги нашр этилган асарларнинг ҳикмати шундадир.

Азима ҚИЁСОВА

Мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасини изчил ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг замонавий технологияларга оид билимини юксалтириш давлатимиз томонидан юритилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан болалар ва ўсмирларга мўлжалланган илмий-техникавий, маънавий-маърифий, оммабоп «XXI аср технологиялари» журналининг таъсис этилгани бунинг далилидир.

ЯНГИ ЖУРНАЛ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Фанлар академиясида, деб хабар беради ЎзА, мазкур журналнинг тақдимот маросими ўтказилди. Тадбирда тегишли вазирлик, идора, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, журналистлар ва педагоглар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фан ва инновация ютуқларини жамиятимизга кенг татбиқ этиш, ёш авлоднинг ижодий, интеллектуал ва илмий салоҳиятини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самара бераётганини алоҳида таъкидлади. Бу борадаги эзгу ишлар қўлами Баркамол авлод йилида янада кенгаймоқда.

«XXI аср технологиялари» журналининг фан ва технологияларни ривожлантириш йўлида мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган янгиликларни изчил ёритиш, навқирон авлодни янги технологияларнинг назарий ва амалий жараёнларига кенг жалб этишдек эзгу мақсадларга хизмат қиладир.

Нашрнинг нишона сонида «Технологик тараққиёт одимлари», «Келажак мўъжизалари», «Техноускуна», «Илмий лабораторияларда», «Тенгдошларнинг ижодидан», «Табаррук сиймолар», «Буюк ихтиролар тарихидан», «Қизилқанга кенг дунё» каби руҳларда юртимиз ва жаҳон илм-фани эришяётган илмий ютуқлар, яратилаётган замонавий технологиялар аҳамияти кенг ёритилган.

Баҳор ХИДИРОВА

Ҳар бир ота-она фарзандининг жисмонан ва маънан соғлом, баркамол шахс бўлиб вояга етишини орзу қилади. Юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш жараёнида ўқув мактабларининг моддий-техник ҳолатини тубдан яхшилаш, уларни замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Баркамол авлод йили»

Давлат дастури доирасида ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини юксалтириш, ўғил-қизларимизда соғлом овқатланиш кўникмаларини шакллантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар қамрови кенгаймоқда. Бундай эзгу юмушлар мактабга таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар билим даргоҳларидаги ошхоналар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар мисолида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августда қабул қилинган «Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг олинган маълумотларга кўра, бугунги кунда юртимизда қарийб ўн мингта умумий ўрта таълим мактаблари, олти мингдан зиёд мактабга таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг номи юқорида қайд этилган қарорига мувофиқ улардаги ошхона ва буфетлар иши янада такомиллаштирилмоқда, харид қилинган махсуслотларнинг сифати, хавфсизлиги, етказиб

берилиши, сақланиши, овқат тайёрланиши борасидаги санитария-гигиена қоидалари ва меъёрларига риоя этилиши устидан давлат санитария назорати янада кучайтирилди.

Ўзбекистон давлат санитария-эпидемиология назорати марказидан маълум қилишича, мазкур ҳужжат

саларидаги ошхоналар фаолиятини янада яхшилашга ҳам катта туртки берди, — дейди ЎзА мухбирига Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 91-мактабга таълим муассасаси мудири си Махфизат Қўлматова.

— Боғчамизда уч юз нафар бола тарбияланади. Тайёрланаётган таомларнинг си-

қикши мавсум учун картошка ва пиёз жамғарилмоқда. Махсуслотлар турига қараб алоҳида омборхоналарда сараланган ва озода ҳолда сақланмоқда. Жумладан, гурч, ёрма, нўхат, ун каби махсуслотлар, сабзавотлар алоҳида-алоҳида омборхоналарда, сут ва гўшт махсуслотлари бошқа-бошқа музлатгичларда сақланмоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб умумий таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш борасидаги фаолият фақат танлов асосида саралаб олинган юридик шахс

имий равишда мониторинг қилиб боради.

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабида ҳам болаларнинг сифатли овқатланишини ташкил этиш бўйича қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Мактаб директори ўринбосари Осие Каримованинг айтишича, икки минг нафардан ортиқ бола таълим олувчи ушбу мактабда болаларни иссиқ овқат билан таъминлашга, тайёрланаётган таомларнинг хилма-хиллиги, сервитаинлиги баробарида нархини мақбуллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра мактаб ошхоналаридаги технологик асбоб ва жиҳозлар, электромеханик инвентарлар ҳолатини ўрганиш, идиш-товуқ, махсус кийимлар, ювтиш ва дезинфекция воситаларини сотиб олиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, овқатдан захарланиш, ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олишдек долзарб масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-9-синфларида ўқувчи «Атрофимиздаги олам», «Саломатлик сабоқлари», «Соғлом авлод асослари», «Соғлом оила асослари» каби дарслар ўқувчи-ёшлар ўртасида гигиеник талаблар асосида хавфсиз ва рационал овқатланишни ташкил этиш, инсон организми учун зарарли бўлган озиқ-овқат махсуслотларини истеъмол қилишнинг салбий оқибатларини атрофлича тунуштириш, уларнинг тиббий саводхонлиги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Назokat УСМОНОВА

СИФАТЛИ ВА ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

асосан умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг хавфсиз овқатланишини ташкил этишга доир санитария-эпидемиология талаблари ва меъёрлари ишлаб чиқилди. Унда умумтаълим мактабларининг ошхоналари фақат лойиҳа асосида қурилган бинода фаолият кўрсатиши мумкинлиги, ошхонадаги ўринлар микдори мактабда таълим олаётган болалар сонига мутаносиб бўлиши, озиқ-овқат махсуслотлари ветеринария ёки кимёвий лаборатория текширувидан ўтган бўлиши, уларни тўғри сақлаш, ошхонада фаолият кўрсатаётган ошпазлар тегишли тарзда тиббий кўрикдан ўтиши зарурлиги каби меъёр ва талаблар қатъий белгилаб қўйилган.

— Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 20 августда қабул қилинган қарори мактабга таълим муассас-

фати ва рационини янада яхшилаш, уларни ранг-баранг, турли витамин, оқсил ва минералларга бой бўлиши учун муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ҳужжат талабидан келиб чиқиб, боғчада сарҳил сабзавотлар, жумладан, қарам, сабзи, кўклатлар, балик, товуқ гўшти, творог, қаймоқ, қатиқ сингари сутли махсуслотлар, мева шарбатлари мунтазам равишда овқат рационига киритилди. Бунда Тошкент вилоятидаги фермер хўжаликлари, шаҳримиздаги етказиб берувчилар билан шартнома асосида махсуслот келтириш амалга татбиқ этилди. Бу сифат сертификатига эга, лаборатория текширувидан ўтган, бозордаги арзон нархдаги экологик тоза озиқ-овқат махсуслотларини харид қилиш имконини бермоқда.

Айни кунларда мактабга таълим муассасасида

мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилиши белгиллаб қўйилди.

— Ўқувчиларимизнинг соғлом овқатланишини ташкил этишда мактабимизда тузилган махсус комиссиянинг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактаби директори Валентина Ломухина. — Комиссия ошхонанинг умумий ҳолатини, харид қилинаётган махсуслотнинг сифатини, овқат тайёрлаш технологияси талабларига риоя этилишини, махсуслотларни сақлаш, ташши ва сотиш шароитларига амал қилинишини, ходимларнинг шахсий гигиенага риоя этилишини, болалар овқатланишини ташкил этиш билан шуғулланувчи ходимларнинг тиббий маълумоти, гигиеник саводхонлигини до-

Адабиёт

ИЗОҲЛИ ЛУФАТЛАР

Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчи-профессорлари томонидан лугат китоблари босмага тайёрланмоқда. «Урдуча-ўзбекча муштарак сўзлар лугати», «Арабча-ўзбекча-русча» лугатлар шулар жумласидандир.

Мазкур олий ўқув юрти томонидан тайёрланган бу лугатлар талаба-ёшлар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбек мумтоз адабиёти йирик намоёндалари ижодини ўрганишда қўл келадиган лугатлар устида ҳам самарали изланишлар амалга оширилди. Шу ўринда «Лутфий девони»нинг изоҳли лугатини кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Гулҳанийнинг «Зарбулмасал» изоҳли лугати ҳам кўп нусхада китобхоналарга тақдим этилди.

ЁЗУВЧИНИНГ БАДИИЙ МАҲОРАТИ

Устоз олим Иззат Султондан бой ижодий мерос қолган. Уни тадқиқ қилиш борасида олиб борилаётган изланишлардан бир нечаси алоҳида тўплам қилиб чиқарилди.

«Бадий асар биографияси» китобида адабиётшунос олимнинг серқирра бадий услуби ўз ифодасини топди.

«Фан» нашриёти томонидан тақдим қилинган мазкур китобда И.Султоннинг «Алишер Навоий», «Иймон» каби асарларининг яратилиш тарихи ва ёзилиш услуби тўғрисида қизиқарли маълумотлар баён этилган. Шунингдек, китобда қизиқ уйғотадиган омиллар ҳақида ҳам сўз боради.

ВАТАН МЕҲРИ

Ўзбек адабиётида она Ватан мавзусида яратилган бадий асарлар талайгина. Бундай ижод намуналари таҳлили «Ватанжон ватан» деб номланган адабий тўпламда ўз ифодасини топди.

Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан муҳлислар эътиборига ҳавола қилинган мазкур китобда Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулум каби шоирлар ижодининг ўзига хос бадий хусусиятлари таҳлил қилинган.

Геология

НОДИР ЭКСПОНАТЛАР МАСКАНИ

Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли геология музейи фаолият кўрсата бошлаганига 25 йил бўлди. Бу орада унинг экспонатлари 30 мингдан ортиб кетди.

Музейнинг кўрғазмалар зали геологик жараёнларга боғлиқ турли ҳужжат ва ашёлар, жонажон ўлкамиз худудидан топилган ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, турли кўринишдаги кристалл ва минераллар катта қизиқиш уйғотади.

«Тоғ жинсидаги феруза томирлар» деб номланган топилмада қадимги ҳайвон ва ўсимликларнинг тошда муҳрланган излари худди дарактани эслатади. Ушбу ёдгорликлар табиатнинг узвий бир қисми бўлиб, ўзига хос миллий бойликка айланган.


Музей экспонатлари маърифий аҳамиятга моликлиги билан эътиборлидир. Ёз ойларида мактаблар микёсида ўтказиладиган фестиваллар айнан шу музей мисолида ташкил этилади. Бундай тадбирлар ёшлар қалбида она дийёрга меҳр уйғотмоқда.

Кейинги йилларда қўлга киритилган геологик топилмалар бўйича коллекциялар ҳам тайёрланмоқда.

Музей ходимлари экспонатларни тўплаш ва тарғиб қилиш билан бир қаторда илмий экспедициялар уюштиришда фаоллик кўрсатмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ геология учун хос бўлган қимматли топилмаларни ўрганиш борасидаги изланишлар Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан доимий рафбатлантириб келинади.

Музейнинг илмий-ўқув маркази сифатидаги фаолияти эса Халқ таълими вазирлигининг тақдимомасига сазовор бўлди.

Акбар АЛИЕВ



Олтин куз таровати

Ҳамкорлик қирралари

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан Хитойдаги юртимиз элчихонаси ҳамкорлигида ўтказилган ўнинчи халқаро маданият фестивалида ёшларимиз маданиятимизнинг ёрқин қирраларини кенг намойиш этишди.

ПЕКИНДА ХУНАРМАНДЧИЛИГИМИЗ КЎРИГИ

Фестиваль доирасида, деб хабар беради «Туркистон-пресс», мамлакатимиз салоҳияти тақдироти ўтказилиб, ўзбек миллий либослари, хунармандчилик намуналаридан иборат кўргазма, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ўсиб келаётган авлодга қаратилган эътибор ҳақида ҳикоя қилувчи стендлар ҳам ташкил этилди.

Меҳмонлар ўзбек таомларидан татиб кўриш имкониятига эга бўлишди.

Концерт дастурида айниқса Хоразм лазгиси томошабинлар эътиборини тортди.

Эргаш ХҲЖАЕВ

— Ўн уч йилдан буён Германия археология институти томонидан Марказий Осиё худудида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига ГФРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси бош котиби Сванте Кортемайер. — Кўргазма икки мамлакатнинг бир гуруҳ олим ва мутахассислари томонидан амалга оширилган машаққатли меҳнат натижаси десак, муболага бўлмайди. Айтиш керакки, бундай тадбирлар икки давлат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу борада Фонд Форум барча лойиҳалар юқори даражада ўтказилишига катта ҳисса қўшмоқда.

Кўп асрлик тарихга эга мамлакатимизга халқаро илмий тақдиротларнинг қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Улар орасида Германия археология институти (ДАИ) алоҳида ўрин

АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР НАМОЙИШИ

Амалий санъат музейида «Марказий Осиёдаги археологик тадқиқотлар» кўчма кўргазмаси иш бошлади. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан Германия Федератив Республикасининг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур кўргазма аввал Термиз ва Бухоро шаҳарларида ҳам намойиш этилди.

тутади. «Марказий Осиёдаги археологик тадқиқотлар» кўргазмаси, дарҳақиқат, олиб борилган илмий тадқиқотлар ҳақида ҳикоя қилади.

— Мамлакатингизда яшаб, фаолият олиб бораётганимга 13 йил бўлди, — деди ДАИ эксперти Николаус Бороффка. — Европалик қатор олимлар институтига тарихга оид саволларга жавоб олиш учун

ташриф буюради. Марказий Осиё худуди кўпйиллик маданий ва иқтисодий ўзаро таъсир жараёнининг ажралмас бир қисмидир. Ўзбекистонлик ҳамкасбларим, археолог, тарихшунос, қазилма ишларига кўмак бераётган талабалар билан ишлаш жуда мароқли. Биз учун ҳар бир кашфиёт аҳамиятлидир.

Инобат ЭГАМКУЛОВА

Осиё ўйинлари-2010

Ўзбекистон спорт делегацияси 12-27 ноябрь кунлари XVI ёзги Осиё ўйинларида иштирок этиш учун Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрига жўнаб кетди.

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, СПОРТЧИЛАР

— Мамлакатимиз спортчиларининг йирик спорт анжуманларида шохсулага кўтарилиши яхши анъанага айланган, — дейди оғир атлетика бўйича Ўзбекистон термини эзгу орузсидир, — дейди ўзА муҳбирига дэюдо бўйича жaxon чемпиони Ришод Собиров. — Гуанчжоуда ҳам фақат юқори ўринлар учун курашамиз, бизга эътибор ва гaмхўрлик кўрсатётган Юртбошимиз ҳамда халқимиз ишончини албатта оқлаймиз.

бешта мамлакатидан ўн минг нафардан йигит-қиз спортнинг 42 тури бўйича 473 медаллар жамланмаси учун беллашади. Ушбу нуфузли мусобақада 224 нафар ҳамюртимиз спортнинг 29 тури бўйича қатнашади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитасининг раиси Ф.Ақбарова иштирок этди.

Зоҳир ТОШҲҲАЕВ

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗГА ОМАД ТИЛАБ ҚОЛАМИЗ

Аввал хабар берганимиздек, Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида XVI Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олган футбол мусобақалари гуруҳ баҳсларига старт берилди.

«Е» гуруҳида иштирок этаётган Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси гонконглик чарм тўп усталари билан куч синашди.

Мухлисларнинг ёдида бўлса, дастлабки турда Бангладеш терма жамоасини 3:0 ҳисобида ҳамюртларимиз мағлуб этган бўлса, ушбу гуруҳдаги Гонконг — БАА терма жамоалари баҳси 0:0 ҳисобидаги дуранг билан якунланган эди. Кеча гонконгликларга қарши майдонга тушган вакилларимиз 90 дақиқа мобайнида тўлиқ устунликка эришиб, рақиб дарвозаси томон кўп марта шиддатли, хавфли ҳужумлар уюштиришди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига тақдоран Бектемир тумани, СИБ томонидан куйидагилар кўйилмоқда: Бектемир т. Ҳ.Бойқаро кўчаси, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказий ашёларни сақлаш оқиботида сақланаётган, 22.10.2009 йилдаги №1-436 ижро ҳужжати асосан хатланган: 1. «ГАЗ-2401» русумли, д/р 1101196 бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 445 019,67 сўм. 2. «ГАЗ-2410» русумли, д/р 30Р7328 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 500 647,23 сўм. 3. «ГАЗ-2401» русумли, д/р 11Р1033 бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 445 019,67 сўм. 4. «ГАЗ-2401» русумли, д/р 30Д1949 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 500 647,23 сўм. 5. 02.06.2009 йилдаги №1-302 ижро ҳужжати асосан «ВАЗ-2101» русумли, д/р 01Н492АА бўлган, 1973 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 223 742 сўм. Аукцион савдоси 2010 йил 30 ноябрь кuni соат 11.00да бўлиб ўтади.

Савдога кўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзили: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-а-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

ИНСТИТУТДАН АКАДЕМИЯГАЧА

Турли манбаларда бугунги Тошкент тиббиёт академиясига асос солинган саналар ҳар хиллигини кўриш мумкин. Агар тарихга чуқурроқ назар ташласак, йирик корхона ва ташкилотларнинг кўпи аввал бошида кичик бир жамоа бўлган, йиллар ўтиб, кенгайган, номлари ўзгарган. Тиббиёт академиясининг ҳам ўзига хос тарихи бор.

XX аср бошларида ўлка-мизда малакали шифокорларга бўлган эҳтиёж ошди. Шу туфайли ўша пайтдаги Туркистон давлат университетида 1920-1921 ўқув йилида кўплаб йўналишлар қаторида биринчи марта тиббиёт факультети ҳам ташкил этилган.

Ушбу факультет фаолият

ти кейинчалик кенгайиши боис 1931 йилда алоҳида тиббиёт институтига айлантирилади.

1990 йилларга келиб ҳамма кафедраларни бир жойга сиғдириш имконияти бўлмагани туфайли биринчи ва иккинчи тиббиёт институтлари сифатида ажратилди. 2004 йилда Тошкент тиб-

биёт академияси мақоми берилди.

Шу ўринда ушбу йўналишдаги бошқа олий ўқув юрталари ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтаемиз.

Тошкент фармацевтика институти 1937 йилда ташкил қилинган.

Тошкент педиатрия-тиббиёт институти 1971 йилда очилган бўлиб, 1989 йилдан бошлаб ушбу мақомда фаолият юритмоқда.

Юртимизда кўплаб тиббиёт соҳасига тегишли институтлар ташкил қилинишида Тошкент тиббиёт академиясининг ҳиссаси каттадир. Уларнинг аксарияти академия бағрида фаолият бошлаб, кейинчалик алоҳида ўқув юрталарига айлантирилди.

Азиза ТОШМУҲАМЕДОВА, Ўзбекистон илмий-техникавий ва тиббиёт хужжатлари марказий давлат архиви катта илмий ходими



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилмиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табақ,
офсет усулида босилади.
2612 нускада босилади.
Қозғоқ бичими А-2



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

АҲИЛ АКА-УКАЛАР

Доно одам доим элни ўйлайди,
Ҳар битта кўнгилу

дилни ўйлайди.

Зулм қилса агар ҳар

бир одамга,

Ўкириб келувчи селни ўйлайди.

Донишманд бу сўзларни айтиб, ўзини шахзодага танитибди. Бу донишманд бир вақтлар ўзи ҳайдаб юборган укаси экан. Подшоҳ укасини саройга тақлиф қилибди. Ака-ука келишиб, давлатни аҳиллик билан бошқарибди.

Шундай қилиб, аҳиллик, меҳр-оқибатли бўлиш, ўзгалар бахтини ўйлаш туфайли бу мамлакат гуллаб-яшнабди.

Элу юрт яшнаши

раҳбарга боғлиқ,

Фаровон ҳаёти самарга боғлиқ.
Одил раҳбар элга

шамсу қамардир,

Ёруғлик шамс ила қамарга боғлиқ.

УЧ НАСИХАТ

Бир киши бисотидаги бор пулини олиб, донишмандлардан энг керакли хулқ-атворни ўрганиш учун сафарга отланибди. Уйда унинг хотини ва ёш боласи қолибди. Мусофир кўп йўл босибди. Бир шаҳарда донишмандга дуч келибди.

Ўқиган одамлар доно бўлади,
Сўзида мукамал

маъно бўлади.

Узоқни кўради, асло чарчамас,
Илмдан куч топар,

барно бўлади.

Донишманд мусофирдан қаерга кетаётганлигини сўраганда, у шундай жавоб берибди:

— Мен барча пулимни олиб, инсон учун керакли бўлган чиройли хулқларни ўрганиш учун сафарга чиқдим.

Донишманд мусофирнинг насихатга муҳтож эканини, бу йўлда ҳатто мол-мулкни сарфлашга ҳам тайёрлигини кўрибди ва насихат сўзларини айтишга қарор қилибди.

— Бугунги жаҳлни эртага қўй, — дебди у.

Бу ҳикмат учун мусофир донишмандга минг танга берибди, сўнг йўлини давом эттирибди. У анча йўл юрганан сўнг, яна бир донишмандга тўқнаш келиб, арзи ҳолини айтибди. Донишманд мусофирга қуйидаги ҳикматли сўзни айтибди:

— Туз ичган жойингга таъзим қил.

Мусофир донишмандга минг танга берибди.

Йўлда кетаётганда, бошқа бир донишманд унга қуйидаги насихатни айтибди:

— Эрталабки насибадан қуруқ қолма.

Мусофир охири минг тангасини унга берибди.

Шундай қилиб, юриб-юриб, охири бир қишлоққа келибди-ю бир бойнинг уйига хизматкор сифатида ёлла-нибди...

(Давоми бор)

Мавжуда РАЗЗОҚОВА

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишигиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.